

Ўзбекистон давлат бошқарувида халқаро рейтинг ва индекслар: стратегик аҳамият ва ислоҳотларни жадаллаштириш йўналишлари

“БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

СЕКЦИЯ: “Миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш)ни барқарор ривожлантириш: муаммолар ва имкониятлар”

Шерзод Мустафакулов

Халқаро Нордик университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



КОНТАКТ

sh.mustafakulov@nordicuniversity.org



Ё
И
Л
М
Л
И
Б
Ў
Л
И
Н
Г
,
Ё
Ў
К
И
И
Л
М
Ў
Г
А
Т
А
Я
Н
И
Б
И
Ш
Т
У
Т
А
Д
И
Г
А
Н

Халқаро ҳукумат ва нодавлат ташкилотлар томонидан тузиладиган халқаро рейтинг ва индексларнинг роли:



01

давлат бошқарувини
такомиллаштириш

02

ислоҳотларнинг
устувор йўналиш ва
стратегияларини
белгилаш

03

тараққиётни
жадаллаштириш
ва мамлакат
имиджини
ошириш

04

халқаро ҳамкорлик
ва тажриба
алмашиш

05

мамлакатнинг халқ
орасидаги нуфузи ва
халқаро мавқени
оширишда амалий
чора-тадбирларни
кучайтириш

Халқаро рейтинг ва индексларда иштирок этишнинг афзалликлари:



01

хорижий сиёсий, иқтисодий, ахборот, маданият ва бошқа алоқаларнинг кенгайтиши



02

мамлакатнинг туристик жиҳатдан диққатга сазовор жойлари, турмуш даражаси, технологик ютуқлар, ижтимоий барқарорлик ва бошқа жабҳалар борасидаги имиджини ошириш



03

давлатнинг устувор соҳалардаги муваффақият ва ютуқларини халқаро миқёсда намоёништириш.

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК ИНДЕКСИ



01

1995 йилдан буён юритилади



02

186 мамлакатни ўрганади ва 100 баллик тизимда баҳолайди



03

Таркиби: 4 та йўналиш, 12 та индикатор ва 49 та субиндикаторга бўлинади.



04

Давлат органлари томонидан эълон қилинган очиқ маълумотлар ва турли халқаро ташкилотларнинг рейтинг ҳисоботларига асосланади.

1-йўналиш. Қонун устуворлиги

Иқтисодий эркинлик индексининг баҳолаш йўналишлари:

■ **Мулкчилик ҳуқуқи** – Мамлакатдаги мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларнинг борлиги, уларнинг амал қилиши даражасини баҳоловчи кўрсаткич.

■ **Суд фаолияти самарадорлиги** – самарали фаолият кўрсатаётган қонунчилик базаси барча фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг аҳамияти, суд тизимининг самарадорлиги, қонунларга тўлиқ риоя этилиши ва ҳуқуқбузарликларга қарши тегишли қонуний чоралар кўрилишининг самарали ва адолатлилигини ўрганади.

■ **Давлатнинг яхлитлиги** – иқтисодий эркинлик даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар ва у билан боғлиқ адолатлиликларни ҳамда мамлакатдаги коррупция даражасини баҳолашни ўрганади.

Иқтисодий эркинлик индексининг баҳолаш йўналишлари:

2-йўналиш.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни

Солиқ юки – жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадлари бўйича маржинал солиқ ставкаларини ва солиқ солишнинг умумий даражасини (шу жумладан, тўғридан-тўғри ва билвосита солиқларни) акс эттирувчи кўрсаткич.

Давлат харажатлари – давлат харажатлари билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилади, бу давлат томонидан истеъмол ва турли хизматлар билан боғлиқ барча трансфер тўловларини ўз ичига олади.

Фискал саломатлик – мамлакат бюджети самарадорлиги, бюджет параметрлари, бюджет тақчиллиги, бюджет режаси бажарилиши каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали аниқланади.



3-йўналиш. Тартибга солиш самарадорлиги

Бизнес эркинлиги - мамлакатдаги корхоналарни тартибга солиш ва тизимнинг самарали ишлашига таъсир даражасини ўрганади.

Меҳнат бозори эркинлиги - мамлакат меҳнат бозорининг меъёрий-ҳуқуқий базасининг турли жиҳатларини ҳисобга олувчи миқдорий ўлчов бўлиб, меҳнат бозорида бандлик имкониятларининг ишчи кучи иштирок даражаси кўрсаткичи сифатида меҳнат унумдорлигини ифодалайди.

Монетар эркинлиги - инфляция ўлчовига таъсир этадиган, давлат томонидан нархларга таъсир этиш даражасини ўрганади.

4-йўналиш. Бозорларнинг очиқлиги



Савдо эркинлиги - савдога қўйилган тарифли ва нотариф тўсиқларнинг даражаси, миқдори ҳамда таъсир самарадорлиги бўйича таҳлил қилинади.


Инвестициялар эркинлиги - мамлакатда инвестиция капитали оқимидаги чекловларни ҳамда хорижий ва маҳаллий инвестициялар учун мавжуд қоидаларни ўрганади.

Молиявий эркинлик - молия сектори, жумладан, банклар, суғурта компаниялари ва капитал бозорлари каби бошқа молия институтлари фаолиятига давлат аралашуви даражасини ўрганади ҳамда банклар фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади.

БМТ давлатларининг турмуш даражаси рейтинги

Инсон тараққиёти индексига кўра, турмуш даражаси бўйича ТОП-10 давлат:

1. Норвегия - 0,957
2. Ирландия - 0,955
3. Швейцария - 0,955
4. Гонконг - 0,949
5. Исландия - 0,949
6. Германия - 0,947
7. Швеция - 0,945
8. Австралия - 0,944
9. Нидерландия - 0,944
10. Дания - 0,940



Манба: <https://iworld.com/ru/blog/ranking-countries-standard-living>


БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДЕКСИ

Rank	Country	Score	Performance by SDG
1	Finland	86.35	
2	Sweden	85.70	
3	Denmark	85.00	
4	Germany	83.45	
5	France	82.76	
6	Austria	82.55	
7	Norway	82.23	
8	Croatia	82.19	
9	United Kingdom	82.16	
10	Poland	81.69	

1. Финляндия – 86.35
2. Швеция – 85.70
3. Дания – 85.00
4. Германия – 83.45
5. Франция – 82.76
6. Австрия – 82.55
7. Норвегия – 82.23
8. Хорватия – 82.19
9. Буюк Британия – 82.16
10. Полша – 81.69

Манба: <https://dashboards.sdgindex.org/rankings>

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧИ



Манба: <https://dashboards.sdgindex.org/rankings>

Умумий балл: 69.24 / 100
Жаҳон рейтингдаги ўрни: 81-ўрин (166 та давлат орасида)

ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ТОП – 5 МАМЛАКАТИ (ЯИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА)

 **World GDP Leaders: Ranking Of The Largest Economies**

◆ TOP 5 Largest Economies in the World

As of 2025, the world's top five economies remain unchanged, but growth dynamics are changing their relative share of the global market.

Place	Page	GDP (US\$ billion)	Main economic sectors
1	US USA	26 954	Technology, finance, manufacturing, energy
2	CN China	17 786	Production, export, technology, construction
3	DE Germany	4 430	Automotive, mechanical engineering, chemical industry
4	JP Japan	4 231	Technology, automotive, robotics
5	IN India	3 730	IT sector, industry, agriculture

Манба: <https://www.livetoitaly.com/top-10-ekonomik-mira-2025/>

Asosiy iqtisodiy sohalar sifatida AQShda texnologiya, moliya va energetika ajralib turadi, Xitoyda ishlab chiqarish va eksport ustunlik qiladi. Germaniya va Yaponiya asosan avtomobilsozlik va muhandislik sohalarida yetakchi hisoblanadi, Hindiston esa IT, sanoat va qishloq xo'jaligi sohalarida faol rivojlanmoqda.

2024-yil holatiga ko'ra,
dunyodagi eng yirik
iqtisodiyotni

**AQSh egallab turibdi —
yalpi ichki mahsuloti (YAIM)
26 954 milliard AQSh
dollarini tashkil etadi.**

Undan keyingi o'rinda
**Xitoy (17 786 mlrd \$),
Germaniya (4 430 mlrd \$),
Yaponiya (4 231 mlrd \$) va
Hindiston (3 730 mlrd \$)
joylashgan.**

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК ИНДЕКСИ БЎЙИЧА МАВЖУД ҲОЛАТ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

I. АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 18 майдаги** "Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида" **ПҚ-246-сон қарори.**

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР:

2026

Иқтисодий эркинлик индексини минимал тарздаги базавий-босқич қилиб белгилаш

2026 йил якуни бўйича 1,2 баробарга ва 2030 йил якуни бўйича 1,5 баробарга ошириш

2026

2030

Методология тамойилларига асосан “иқтисодий эркин” давлатлар қаторига киришга эришиш.



АМАЛДАГИ ҲОЛАТ:

2021 йил якуни бўйича иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 55,7 балл билан 117-ўринни эгаллаган.

2021

2030

"Мулкчилик ҳуқуқи" субиндикаторида жорий ҳолат 31,6 балл (жаҳонда ўртача кўрсаткич 50,2 балл), 2030 йилгача 82,8 балл мақсад қилинган.

"Суд фаолияти самарадорлиги" бўйича жорий ҳолат 13,1 балл, 2030 йилгача 78,3 балл мақсад қилинган.

2030

2025

"Давлат яхлитлиги" бўйича жорий ҳолат 23,8 балл, мақсад – 58,2 балл.

2025

“Солиқ юки” бўйича жорий ҳолат 90,8 балл,
мақсад – 95,7 балл.

“Давлат харажатлари” бўйича жорий ҳолат
78,1 балл, мақсад – 89,4 балл.


2026

2026

“Фискал саломатлик” бўйича жорий ҳолат 96,6
балл, мақсад - 99,5 балл.

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР:

- Ўзбекистон дунё рейтингда 2030 йилга келиб 177 та давлат орасида энг юқори 50 ўринни эгаллайдиган мамлакатлар орасидан жой олади.
- Ўзбекистон Осиё ва Тинч океани миқёсидаги ривожланаётган иқтисодиётлар гуруҳига мансуб бўлиб, “иқтисодиёти эркин” мамлакатлар тоифасига қўшилади.
- Мамалкатимизнинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб, иқтисодий эркинликнинг ошиши натижасида ЯИМ ва бандлик кўрсаткичлари яхшиланади.



2026 йилга қадар иқтисодий эркинлик индекси бўйича мамлакатимиз 69,5 баллга етиши режалаштирилган.

ГЛОБАЛ РАҚОБАТДОШЛИК ИНДЕКСИДА ИШТИРОК ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САБАБЛАРИ

Мамлакатнинг глобал рақобатдошлиги қонун устуворлиги ва инсон тараққиёти омиллари билан боғлиқ.

Инсон тараққиёти юқори мамлакатларда глобал рақобатдошлик даражаси ортиб боради.

Мамлакатда коррупция даражасини туширади.

Иқтисодий ўсишга олиб келади.

Бюджет тушумларини оширади.

Ижтимоий тенгсизликни қисқартиради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади.

Ижтимоий босимни туширади ва ижтимоий барқарорликни оширади.



“ЧЕГАРАСИЗ РЕПОРТЁРЛАР” ТАШКИЛОТИНИНГ МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ РЕЙТИНГИ

Рейтингда бешта асосий
кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- сиёсий контекст
- иқтисодий контекст
- қонунчилик базаси
- ижтимоий-маданий контекст
- хавфсизлик.

Ўзбекистон рейтингда 24
поғонага кўтарилиб,
133-ўринни эгаллади.

Рейтингда кўтарилган бўлса-
да, 2021-йилда 49,26 балл
тўплаган, 2022-йил
рейтингда мамлакатга 45,74
балл берилган.

Ўзбекистон:

- сиёсий контекст бўйича 129-ўринда
- иқтисодий контекст бўйича 123-ўринда
- қонунчилик базаси бўйича 136-ўринда
- ижтимоий-маданий контекст бўйича 138-ўринда
- хавфсизлик масаласида 129 поғонани қайд этган.

Нодавлат акторлар (реклама берувчилар ва тижорий ҳамкорлар) ва ОАВ эгаларига нисбатан давлат сиёсатида алоқадор иқтисодий чекловларни баҳолашчи иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон “мураккаб вазиятли” мамлакатлар орасида қолмоқда.



ЎЗБЕКИСТОНДА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ИНДЕКСИНИ ОШИРИШ УЧУН ОЛДИНДА ТУРГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР:



1. Қонунчиликни такомиллаштириш.

ОАВ фаолиятини тартибга солувчи қонунларни халқаро стандартларга мослаштириш, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи механизмларни кучайтириш, ахборот олиш эркинлигини таъминлашга доир ҳуқуқий базани ривожлантириш.

2. Давлат идоралари ва ОАВ ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш.

ОАВ ва жамоатчилик учун очиқлик ва шаффофликни кучайтириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг матбуот билан ҳамкорлигини ривожлантириш, жамоатчиликка тезкор ва ишончли ахборот тақдим этиш механизмларини йўлга қўйиш.



ЎЗБЕКИСТОНДА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ ИНДЕКСИНИ ОШИРИШ УЧУН ОЛДИНДА ТУРГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР:



3. Цензура ва босимларни бартараф этиш.
Журналистлар ва блогерларга нисбатан босим ўтказиш амалиётини тугатиш, ОАВ фаолиятига аралашувларни камайтириш, давлат ва нодавлат ОАВ ўртасида тенг ҳуқуқли рақобат муҳитини яратиш.


4. Ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш.
Расмий веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали очиқ ахборот узатишни кучайтириш, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, давлат идораларининг ахборот сиёсатида инновацион ёндашувлардан фойдаланиш.



ЎЗБЕКИСТОНДА МАТБУОТ ЭРКИЛИГИ ИНДЕКСИНИ КЎТАРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР:

5. Журналистларнинг малакасини ошириш ва ҳимоя қилиш.

ОАВ ходимлари учун малака ошириш дастурларини ривожлантириш, журналистларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам бериш механизмларини яратиш, ОАВ ходимларини халқаро тажриба ва стандартлар билан таништириш.



БОШҚАРУВ СИФАТИ ИНДИКАТОРЛАРИ

Жаҳон банки томонидан тузилувчи **“Бошқарув сифати индикаторлари”** мамлакатларни умумий 6 та индикатор бўйича баҳолайди ва булар қуйидагиларни ташкил этади:

- Ҳукумат самарадорлиги индикатори;
- Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик/терроризмнинг мавжуд эмаслиги индикатори;
- Тартибга солиш сифати индикатори;
- Коррупцияни тийиб туриш индикатори;
- Ҳуқуқ устуворлиги индикатори;
- Аҳоли фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик индикатори.



ЎЗБЕКИСТОНДА БЕЛГИЛАНГАН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРНИНГ УСТУВОР СОҲАЛАРИ

АСОС: Президентнинг 19.06.2024 йилдаги “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-91-сон Фармони.

QMMB: 06/24/91/0429-son
20.06.2024-й.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
FARMONI

2024 йил « 19 » июнь

№ ПФ-91

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнги йилларда давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликни таъминлаш, фуқаролар ва халқаро ҳамкорлар учун очиқ, шаффоф ва самарали муҳит яратишга қаратилган тизимли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичлари тобора яхшиланиб бормоқда.

Хусусан, кейинги беш йилда Ўзбекистон Ҳуқуқ устуворлиги индексида 16, Коррупцияни қабул қилиш индексида 32, Электрон ҳуқуматни ривожлантириш индексида 18, Иқтисодий эркинлик индексида 31, Логистика самарадорлиги ҳамда Глобал инновация индексларида 11 поғонага юқорилашга эришди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, республикамизда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада парламент ролини кучайтириш мақсадида:

1. Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг **ҳар йили** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида (кейинги ўринларда – Олий Мажлис Сенати) Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланиши тўғрисидаги **миллий маърузани** (кейинги ўринларда – миллий маъруза) муҳокама қилиш тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

Олий Мажлис Сенати томонидан устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг рўйхатини тасдиқлашда тегишли халқаро рейтинг ҳамда индексларга **мутасадди вазирлик ва идоралар** бириктирилади;

УСТУВОР СОҲАЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМОТИ:



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI

1. Иқтисодий самарадорлик.

2. Инсон камолоти, барқарор
ривожланиш ва туризм.

3. Соғлиқни сақдаш.

4. Электрон ҳукумат.

5. Глобал рақобатбардошлик.

6. Гендер тенглик ва ижтимоий
инклюзивлик.

7. Таълим.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ:



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

1. Ҳуқуқ устуворлиги.

2. Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофлик.

3. Бошқарув сифати.

2025 йилдан – республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида уларнинг устувор халқаро рейтинг ва индексларда республиканинг ўрнини яхшилашга қаратилган фаолияти белгиланди.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХЪМАТ

